



TYPES OF FAKE MESSAGES BY PURPOSE AND USE AS MANIPULATORY MEANS

Abdurahmanova Saodat San'at Qizi

*Master of Political and Legal Journalism at Journalism and Mass
Communications University of Uzbekistan*

Abstract: This article discusses the types of fake messages, the intended purpose of each type of distribution (jokes, misleading the public, fraud, increasing internet traffic). It analyzes what causes audiences to trust fake news more than official news, as well as the consequences of the spread of fake journalism. The role of developing the ability to pay for information in providing society with accurate and quality information is discussed.

Keywords: fake, news, news, media, fake journalism, blogger, social network, manipulation, misinformation, infonavigator.

Introduction

Интернет асрида ахборот олиш шакллари ва манбаларининг сон жиҳатдан ошиб бориши тенденцияси инфоқимнинг мисли кўрилмаган даражада қучайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, ахборот узатувчилар орасида рақобатнинг янги босқичга чиқишига замин яратди, ахборот узатиш тамойиллари аҳамиятига кўра ўрин алмашди, яъни хозирда ахборотнинг аниқ ва ишончли бўлиши эмас, бакли оператив узатилиши энг муҳим кўрсаткич сифатида қаралмоқда. Тезлик ҳаққонийликдан кўра устуворроқ бўлган шароитда фейк ахборотлар ўзанининг пайдо бўлиш эҳтимоли каррасига ортади.

Ахборот оқимининг ҳаддан ташқари катталиги медиа фойдаланувчиларини қабул қилинаётган маълумотларга танқидий қараш (critical thinking), таҳлил қилиш (analysing) қобилиятини ўтмаслаштириб қўяди. Бундай шароитда реципиент (ахборотни қабул қилувчи) ахборотни қайта ишламайди, унинг устида мулоҳаза юритмайди, балки пассив қабул қилувчига айланади – унинг роли такдим этилаётган маълумотни бор ҳолатида ҳазм қилиш ва уни репост қилиш (улашиш)дангина иборат бўлади.[1]

Юқорида келтирилган икки омил фейк ахборотларнинг оммалостиши учун қулай муҳит яратмоқда. Реципиент учун хабарнинг тезкорлиги, сенсацион руҳдалиги ва қандай визуализацияга эгалиги моҳиятдан кўра аҳамиятироқ бўла бошлади.[2]

Фейк нопрофессионаллик маҳсули бўлиши ҳам ёки атай, муайян мақсадни қўзлаб тарқатилиши ҳам мумкин. Реципиентлар ҳиссийтлари ва дикқатини бошқаришни мақсад қилувчи фейк яратувчилари ҳиссий-интеллектуал зарба беришни қўзлайди, бунинг учун аниқ маълумотга зарурат йўқ. Фейк хабарлар ҳазил тариқасида, аудиториянинг вақтини чоғ қилиш максадида тарқатилиши мумкин. Бунда асосан интернет трафик ҳажмини ошириш қўзланган бўлади. Бироқ муайян жинс, дин, ирқ, миллат, қатлам вакилини дискредитация қилиш мақсадида тарқатиладиган фейклар аҳоли орасида тартибсизлик, конфликт келтириб чиқариши, нифоқ солиши ва жиддий низоларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бунга мисол сифатида, Қозогистонда 2022 йил январ ойидаги қўзғолонда қўшни Қирғизистон фуқаролари маълум хақ эвазига иштирок этганлиги ҳақида тасдиқланмаган маълумотлар тарқатилганини айтиш мумкин. Бундай ахборотлар икки қўшни мамлакат ўртасига совуқчилик тушишига олиб келди. [3]



Фейк хабарларнинг манипуляция воситаси сифатида намоён бўладиган ҳолатлардан яна бири чиндан ҳам аҳамиятга молик, жиддий ва муҳим воқеалардан майший, аммо шовшувли мавзуларга аудитория дикқатини йўналтиришdir. Жамият манфаатларига дахлдор воқеалар муҳокама марказида бўлиб турган бир пайтда чалғитувчи восита сифатида бошқа томонда сенсацион воқелик ва унинг атрофида инфошовқин ҳосил қилинади, натижада кун тартибидаги масалалар тематикаси ўзгаради. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси блиан боғлиқ оғир вазиятнинг дастлабки даврида “Маҳалла хайрия жамоат фонди ва “Саховат ва қўмак” жамғармаси хайрия маблағлари талон-торож қилингани[4] ҳамда Сардоба сув омборидаги фожианинг ҳақиқий айборлари топилмаётгани кескин норозиликларга сабаб бўлиб, жамоатчилик фаоллари томонидан саволлар кўндаланг қўйилаётган бир пайтда [5] Юлдуз Усмонованинг ички ишлар ходимларига нисбатан салбий мазмундаги мурожаати асосий кун мавзусига айлантирилди. [6] Натижада жамоатчилик ўз манфаатларига тааллуқли йирик талончиликдан майший жанжалга чалғиди.

Аҳамиятли жиҳати, омма эътиборини муайян мавзуга йўналтириш, қайси воқеаларни кун мавзусига айлантириш учун ижтимоий тармоқлардаги “инфонавигаторлар”дан – шахси аноним, катта аудиторияга эга, ҳукуматда ўз манбаларига эгаликка, кўпчиликка номаълум тафсилотларни аниқлаш имкониятлари борлигига даъво қиладиган аккаунтлар орқали амалга оширилмоқда. Инфонавигаторларнинг одатий инфлюенсерлардан фарқли жиҳати, улар аноним фаолият юритишади, бераётган маълумотларининг манбасини очиқламайди, матнда агрессив руҳдан фойдаланади, ўзини оппозицион кайфиятда кўрсатишга интилади. Кун мавзусига айлантирилган хабар/воқеликка оид изоҳлар, репостлар ҳам айнан инфонавигаторларнинг контенти остида амалга оширилади.

Майший-сенсацион мавзулар ёрдамида сиёсий-жиддий мавзулардан чалғитиши ҳолатлари кўп кузатилгани боис ҳатто ахборот билан бевосита ишловчиларнинг ўзида ҳам ҳақиқий ахборотга нисбатан ишончсизлик билан қараш бошланди. 2022 йил 28 январ куни Тошкент зоопаркида она уч ёшли қизини айиқ вольерига ташлаб юборгани ҳақидаги хабар “Дарё” нашри муҳбири Миролим Исажонов томонидан скептик қабул қилгани бунга кейс бўла олади. У ижтимоий тармоқдаги ўз саҳифасида “бу хабар уйдирмага ўхшаяпти. Ишониш қийин. Яна омма эътиборини бошқа ёкка буришмоқчи, шекилли”, деган мазмунда хабар қолдирди (хабар кейинчалик ўчирилган).

Аудиториянинг ёлғон хабарларга ишониши ва уларни оммалаштиришга мойиллигининг асосий сабабларидан бири давлат каналларидағи расмий хабарларга ишонч даражасининг ўта пастлигидир. Собиқ совет даврида йирик воқеалар, айниқса, фожиалар ҳақида тўлиқ бўлмаган, дозалаштирилган, кучли цензура фильтридан ўтган ахборотни бериш, асл моҳиятни очмаган ҳолда умумий мазмунда хабар бериш билан чекланиш ҳолати кузатиларди. Бундан мақсад эса аҳолида ваҳима қўзғатмаслик бўлган. Тўғри, инқирозли ҳолатларда ваҳима, қўрқув одамларда рационал фикрлашга тўсқинлик қилиши, оқибатда тартибсизликлар вужудга келиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам расмий ҳукумат қанчалик тез ва батафсил ахборот берса, ваҳима пайдо бўлиш эҳтимоли ҳам шунчалки паст бўлади, дезинформация ва провокацион фейкларнинг тарқатилишига асос қолмайди. Акс ҳолда эса ҳақиқатда бўлганидан ҳам даҳшатлироқ, ваҳимага ундовчи фейклар тарқалиши эҳтимоли ошиб боради.[7]

Омманинг расмий хабарларга нисбатан ишончсизлиги, уларнинг зиддига кўпроқ ишонч билдиришига мисол сифатида вакцинация кампанияси фонида рўй берган кейс мисолида кўриш мумкин. Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевнинг ўзбек-хитой вакцинаси билан эмлангани ҳақида хабар берилди.[8] Бироқ жараён акс этган видеода инъекцияни тортишда ва уни мушакка киритишда турли ниналардан фойдаланилгани боис бу хабарга шубҳа билдирилди.[9] Кейинчалик ҳокимлик ахборот хизмати томонидан



эмлаш жараёниниг түлиқ видеоси тақдим этилгани ва нега ҳар хил ниналардан фойдаланилганига изох берилганига қарамай, жамоатчиликда биринчи хабар таъсиридаги шубҳа кайфияти сақланиб қолди, аниқлаштиришларга ишонч билдирилмади. Бунга сабаб сифатида эса коронавирус пандемияси даврида касалланиш ҳолатларига оид статистиканинг камайтириб күрсатилаётганини исботловчи, мустақил журналистлар томонидан олиб борилган таҳдилларнинг эълон қилингани, оқибатда пандемияга оид хабарларга скептик қарашнинг шакллангани сабаб бўлди.[10]

Интернет замонида тармоққа кириш имконияти бўлган ҳар ким маълумот ола билади ва тарқата олади. Бу медиа маконда профессионал журналистлар билан параллел равища блогерлар қатламининг ҳам шаклланишига замин яратади. Ташибускор блогерларнинг журналистлар функцияларини бажариши бир томондан демократия тамойилларининг амалдаги исботи бўлса, бошқа томондан фактлар билан ишлаш масъулиятининг соқит қилинишига ҳам сабаб бўляпти. Блогерлар журналист этикаси ва мажбуриятларидан холи тарзда ҳаракатлангани боис ҳам фейк, етарли даражада текширилмаган ахборотнинг тарқатилишида кўпроқ воситачи бўлиб қолади. Ўз навбатида, улар профессионал ОАВга қараганда ахборотни тезкор узатиш (ахборотни узатиш мажбурияти бўлмагани боис) имкониятига эга бўлади ва шу орқали аудиториянинг ишончини кўпроқ қозона олади. Оқибатда ахборотни мутлақо бошқача талқин қилиши, воқеликни тескари ракурсдан кўрсатиши, ҳатто шу воқеликка таъсир ўтказиши ҳам мумкин бўлади. Буни андижонлик ёш келинчакнинг зўрланиши билан боғлиқ ҳолат мисолида кўриш мумкин. Барча расмий манбаларда келинчак зўравонлик қурбони бўлганлиги айтилаётган бир пайтда [11], блогер Шуҳрат Мусаев бошчилигидаги гурух зўравонликда гумонланаётган эркакларни ҳимоя қилиб чиқиши кузатиди. [12]

Фейк хабарларнинг яна бир қўринишида фирибгарлик йўли билан пул маблағларига эга бўлиш мақсад қилинган бўлиши мумкин.[13] Ўз манфаати учун беморлар номидан даволанишга пул сўраб, ёрдам хақида берилган сохта хабарлар ижтимой масъулият хиссига жиддий путур етказиши мумкинлиги билан хавфлидир.

Хулоса ўрнида қайд этиб ўтиш керакки, фейк ахборот оммавий ахборот воситасининг обрўсига путур етказади ва замонавий демократик қадриятларга рахна солади. Профессионал медиа ва аудитория ўтрасидаги ишонч йўқолади, расмий манбаларга воқелик ҳақида ҳаққоний ахборот берадиган манба сифатида қарамаслик шаклланади.

Фейк журналистикасининг тарқалиши сифатли контент яратиш харажатларининг юқорилиги билан ҳам изоҳланади. Ҳаққоний, биринчи манбадан олинган ахборотни тезкор узатиш катта харажатларни талаб қиласди. Акс ҳолда, медиалар шубҳали ахборотни тарқатиш билан, уларнинг аудиторияси эса шу ахборотга ишониш билан қаноатланишига тўғри келиши мумкин. Аммо бунга ОАВнинг давлат томонидан молиялаштирилиши ечим бўла олмайди, чунки бу ҳолатда ҳокимият вакилларининг ўзини цензурага ҳақли дея ҳисоблашига олиб келиши мумкин. Шу боис жамият ишончли ахборот истеъмолидан қанчалик манфаатдор эканлигини тушуниб етган ҳолда ахборот учун пул тўлашга тайёр бўлиши, пулли обунадан фойдаланишни одатий ҳолдек қабул қилиши лозим.

Фойдаланилган манбалар:

1. Брусенская Л.А, Кликова Э.Г. Фейк как элемент манипулирования общественным мнением // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/feyk-kak-element-manipulirovaniya-obschestvennym-soznaniem/viewer>
2. Распопова С.С, Богдан Е.Н. Фейковые новости. Информационная мистификация. Учебное пособие для вузов. М., 2018.



3. Казахстан попытался обвинить в беспорядках жителей Кыргызстана. И получил в ответ ноты протеста. // URL:<https://www.bbc.com/russian/features-59911453>
4. “Махалла хайрия жамоат фонди ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси хайрия маблағлари талон-торож қилган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди // URL:<https://xs.uz/uzkr/post/mahalla-khajriya-zhamoat-fondi-va-sakhovat-va-komak-zhamgarmasi-khajriya-mablaglarini-talon-torozh-qilgan-shakhslarga-zhinoyat-ishi-qozgatildi>
5. Сардoba фожиаси: «Аср ўтирилиши» айборлари сувдан қуруқ чиқа олмаслиги шарт// URL:<https://kun.uz/news/2020/05/06/sardoba-fojiasi-asr-opirilishi-aybdorlari-suvdan-quruq-chiqa-olmasligi-shart>
6. Ўзбекистон: ИИВ ва Юлдуз Усмонова қарама-қаршилиги нима билан тугайди?// URL:<https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-52566776>
7. Брусенская Л.А, Кликова Э.Г. Фейк как элемент манипулирования общественным мнением // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/feyk-kak-element-manipulirovaniya-obschestvennym-soznaniem/viewer>
8. Тошкент шаҳар ҳокими коронавирусга қарши эмланди // URL: https://t.me/poytaxt_uz/15707
9. Жаҳонгир Ортиқхўжаев коронавирусга қарши эмлангани хабар қилинди. Саволлимасалаюйдинликкиритилди // URL:<https://kun.uz/news/2021/07/17/jahongir-ortiqxoyayev-koronavirusga-qarshi-emlangani-xabar-qilindi-savolli-masalaga-oydinlik-kiritildi>
10. Ўзбекистонда юзлаб ўқитувчиларда коронавирус аниқланмоқда. Лекин ССВ барча ҳолатларни ҳамрасмий статистика қагакирилтмаяпти// URL:<https://daryo.uz/k/2020/09/14/ozbekistonda-yuzlab-oqituvchilarda-koronavirus-aniqlanmoqda-lekin-ssv-barcha-holatlarni-ham-rasmiy-statistikaga-kiritmayapti/>
11. Андижонда 6 эркак оиласи аёлни зўрлагани ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилди// URL:<https://kun.uz/news/2021/05/16/andijonda-5-nafar-erkak-yosh-kelinni-zorlagani-holati-boyicha-jinoyat-ishi-qozgatildi>
12. <https://www.youtube.com/watch?v=eVe0vaGuSWg>
13. Брусенская Л.А, Кликова Э.Г. Фейк как элемент манипулирования общественным мнением // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/feyk-kak-element-manipulirovaniya-obschestvennym-soznaniem/viewer>